

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**80** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
ҳузурида Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходим-  
ларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
марказини ташкил этиш тўғрисида

Камол топаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида оммавий болалар спорти ривожлантирилишини таъминлаш, ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига ва спортни севишга интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ташкилий асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс мақомига эга бўлган, идоравий мансублигидан қатъи назар, республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ҳамда тренер-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган давлат таълим муассасаси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ҳамда тренер-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни замонавий даражада, ўқитишнинг халқаро эътироф этилган методларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ҳамда тренер-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нормативлар ҳамда ўқув-методик материалларни илғор халқаро тажрибадан ва замонавий таълим дастурларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тренер-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига спортчилар тайёрлаш соҳасидаги мутахассисларнинг касбий билимларини такомиллаштиришга, шунингдек уларда иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш маҳорати ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳамда улардан халқаро спорт ареналарида республика шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган профессионал

спортчиларни тайёрлашга йўналтирилган замонавий ва самарали дастурларни жорий этиш;

республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ҳамда тренер-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим жараёни сифати ва натижаларини тизимли таҳлил қилишни, мониторингини, уларнинг замонавий талабларга мувофиқ юқори сифатли ўқув-тренировка жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган касбий кўникмалари ва лаёқатини ривожлантириш динамикасини баҳолашни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Марказ ходимларининг лавозим маошлари республика олий таълим муассасалари тегишли лавозимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича лавозим маошлари миқдорларига тенглаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

уч ой муддатда Марказ уставининг белгиланган тартибда ишлаб чиқишини ва тасдиқланишини, шунингдек унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни юқори малакали ва ташаббускор ходимлар ҳамда мутахассислар билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин;

Марказда республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ва тренер-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш параметрларини ҳар йили спорт турлари бўйича қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича белгиланган тартибда аниқласин ва тасдиқласин, бунда тингловчиларнинг малака ошириш курсларидан ҳар 5 йилда камида бир марта ўтиши даврийлигига риоя этсин.

6. Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Марказнинг жорий таъминотига ҳамда республика болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг раҳбар кадрларини, инструктор-методистларини ҳамда тренер-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга, малака оширишнинг белгиланган даврийлигини ҳисобга олган ҳолда ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва мақсадли бадаллари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва донор ташкилотлари грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пара-

метрларида Марказ фаолиятини молиялаштириш ва унга юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бюджет маблағларини «Таълим» соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида назарда тутсин;

Марказни 2 та, шу жумладан 1 та хизмат ва 1 та махсус автотранспорт воситаси билан таъминлашга лимит ажратсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Марказга қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориладиган тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи уларнинг ишдан ажралган ҳолдаги бутун ўқиш даврида сақланиб қолади;

Марказга ишдан ажралган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака оширишга бошқа ҳудудлардан юбориладиган тингловчилар ўқиш даврида ётоқхонада яшаш жойлари билан таъминланади, шунингдек уларнинг ўқиш жойига бориши ва у ердан қайтиши учун бир марталик йўлқира харажатлари уларни юбораётган томон ҳисобидан қопланади.

9. Марказ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвозаси кўчаси, 27-уй манзилидаги бинолар ва иншоотларга жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015/2016 ўқув йили бошлангунгача:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кўкча дарвозаси кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган собиқ 98-сон мактаб-интернат бинолари ва иншоотларини тезкор бошқарув ҳуқуқи билан Марказга текин берсин;

Марказнинг бинолари ва иншоотларининг босқичма-босқич реконструкция қилинишини ҳамда зарур ўқув-лаборатория ва спорт анжомлари, компьютер техникаси, мебеллар, спорт инвентарлари ва бошқа инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин.

10. Қўйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси Марказга ажратилган бинони реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари Марказнинг бинолари ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда уни зарур ўқув-лаборатория ва спорт анжомлари, компьютер техникаси, мебеллар, спорт инвентарлари ва бошқа инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича харажатларни қоплаш манбаи этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Марказ биносини реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини таъминласин ҳамда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 13 февраль,  
27-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 13 февралдаги 27-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 июндаги 110-сон қарорининг 2-иловасига «Мактабгача тарбия муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази» сўзларидан кейин «Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 мартдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати тузилмасининг «Мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар» бўлимига «Мактабгача тарбия муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази» сўзларидан кейин «Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази» сўзлари қўшилсин.